

Ўзбекистон банклари исломий молиялаштириш бўйича 75 млн долларлик келишувига эришди



15:40 / 04.11.2022 1529

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган II Ўзбекистон халқаро иқтисодий форуми доирасида:

«Алоқабанк» АТБ ҳамда Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси ўртасида исломий молиялаштиришнинг «Муробаҳа» инструменти бўйича қиймати 30 млн доллар миқдоридаги битим имзоланди.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк» АТБ ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси кичик бизнес ва хусусий секторни молиялаштириш кредит линияси бўйича қиймати 30 млн доллар

бўлган ҳамкорлик келишувига эришди.

Шунингдек, «Ипак Йўли» АИТБ ва Халқаро Ислон савдо-молия корпорацияси (ITFC) ўртасида савдо молиялаштириш линияси бўйича қиймати 15 млн доллар бўлган асосий шартлар рўйхати тасдиқланди.

Манба: @uzauz